Давлат китоб палатаси
29997

МАҲАЛЛА ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

АНДИЖОН. Ватан тарихи яшаб турган уйимиз, кўчамиз, қолаверса, маҳалламиздан бошланади, десак муболаға бўлмайди. Бўз туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжалиги худудидаги маҳаллаларда ўтказилган ўзига хос тадбир одамларда Ватан туйғусини жўш урдирди. ЎзХДП бошланғич ташкилоти, хотин-қизлар ҳамда касаба уюшмаси қўмиталари ҳамкорликда "Менинг маҳаллам" кўрик танловини ўтказди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ЗАФАРОБОДДА ДЕҲҚОН БОЗОРИ

НАВОИЙ. Кончилар, саноатчилар шаҳарчаси - Зафаробод кун сайин чирой очмоқда. Кейинги икки йил мобайнида афсонавий шаҳарчада кўплаб турар-жой бинолари, маданий - маиший муассасалар, савдо дўконлари қуриб фойдаланишга топширилди. Яқинда зафарободликлар яна бир қулайликка эга бўлишди. Бу ерда усти ёпиқ замонавий деҳқон бозори ишга туширилди.

Музаффар ШАРОПОВ.

ҚИШЛОҚДА ҚЎШМА КОРХОНА

СИРДАРЁ. Сайхунобод туманидаги Т.Руломов номли жамоа хўжалигида томат пастаси ишлаб чиқарадиган "Сайхунпай" қўшма корхонаси ишга туширилди. Қўшма корхона хорижлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда барпо этилди. Вилоят матлуботчилари бу хайрли ишнинг ташаббускори бўлдилар. Мазкур корхонада суткасига 20 тонна ёки мавсум давомида 1800 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Абдужалил УМАРОВ.

ҲУРМАТ БАЖО АЙЛАБ

ТОШКЕНТ. Акмал Икромов туманидаги Абдулҳай Тожиев номли маҳаллада истиқомат қилаётган домла М.Солиевнинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, уруш ва меҳнат фахрийси Муҳаммаджон Солиев умр бўйи халқ хизматида бўлди. Яқинда маҳаллада нишонланган Наврўз байрамида отахоннинг муборак 90 ёшини нишонлаб, у кишини бош оёқ сарпо билан сийлашди.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР ҲОКИМ ҲУЗУРИДА

НАМАНГАН. Вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Тўлқин Жабборов вилоятдаги оммавий ахборот воситалари вакилларини қабул қилди. Учрашув самимий ва очиқ мулоқот тарзида давом этди. Ахборотлар таъсирчанлигини ошириш, журналистика муаммоларини ҳал этишга доир масалалар борасида фикр юритилди. Республика марказий нашрларининг вилоятдаги мухбирлари ва маҳаллий журналистлар фаолиятини яхшилашга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар айтилди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

БУЮК МУНАЖЖИМ ҲАЙКАЛИ

ХОРАЗМ. Урганч қурилиш коллежининг ҳар икки томони шу кунларда ажиб манзара касб этган. Бу ерда Соҳибқирон Амир Темурнинг невараси, буюк мунажжим Мирзо Улуғбек ҳайкалининг очилиши ўзига хос байрамга айланди. Узоқ-яқиндан ташриф буюрган жамоатчилик вакиллари, меҳмонлар само тилсимини очган олим ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Ҳайкал атрофи эса шаҳарликлар учун ўзига хос зиёратгоҳга айланди.

Амин ЭШМАТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси газетаси

1997 йил 8 апрель, сешанба № 42 (22.126).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПУЛНИ КЎПАЙТИРИШ АРИФМЕТИКАСИ

Термиз тумани Халқобод жамоа хўжалигидаги Бобур номли ўрта мактаб кичкина бир ташаббус билан тилга тушди. Мактаб ўқитувчилари бир ярим сотихча ерда қайрағоч ва бошқа манзарали дарахт кўчатларини ўстирдилар. Кўчатларни сотишдан мактаб ғазнасига 150 минг сўм нақд пул тушди.

Хуллас, мактаб ўз ҳисобидан пулни кўпайтириш ҳадисини топди. Ўқув биноларини таъмирлаш, ободонлаштириш ва аълочи ўқувчиларни стипендия билан таъминлашни энди мактабнинг ўзи эплаб кетадиган бўлди.

Ўз мухбиримиз.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *ВИЛЬНЮС. Литва пойтахтида Болтиқбўйи давлатлари мудофаа вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Ушда ушбу давлатлар ҳамкорлигида тинчлик батальони ва ҳарбий-денгиз эскадрасини тузиш, шунингдек, мазкур минтақа ҳаво кенгликларини назорат қилиш масалалари муҳокама этилди.*

* * *

☑ *ПРАГА. Франция Президенти Жак Ширак икки кунлик расмий ташриф билан Чехияга келди. У мамлакат Президенти Вацлав Гавел, Бош вазир Вацлав Клаус билан учрашиб, икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга доир музокаралар ўтказди. Шунингдек, Жак Ширак мамлакат парламентининг юқори ва қуйи палатаси вакиллари билан учрашди.*

* * *

☑ *НЬЮ-ЙОРК. Араб давлатлари лигаси БМТ Бош ассамблеясидан «Қуддус шаҳри масаласи» бўйича махсус сессия чақиришни талаб қилди. Бу ҳақда БМТ Бош котибининг вакили Фред Экхард маълум қилди. Маълумки, Исроил ҳукумати БМТ Бош ассамблеясининг Қуддус шаҳридаги яҳудийлар учун турар жой қурилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорига амал қилмади.*

* * *

☑ *ГРОЗНИЙ. Чечнистон Президенти Аслан Масхадов мамлакат Бош вазирининг ўринбосарларини тайинлади. Эндиликда Бош вазирга саноат масалалари бўйича Шамил Басаев, давлат сиёсати ва матбуот бўйича Мавлоди Удугов, ижтимоий масалалар бўйича Ислом Ҳалимов кўмак берадилар. Чечнистон Конституциясига мувофиқ, Бош вазир ўринбосари лавозимига ўз номзодини қўйганлар Президентнинг розилигидан сўнг, мамлакат парламенти томонидан тасдиқланиши лозим.*

* * *

☑ *ҚОҲИРА. Мисрда электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг 17 фоизини қуёш ва шамол электростанциялари ёрдамида қоплашга қарор қилинди. Миср Энергетика вазирлиги ишлаб чиққан махсус дастурга биноан, Қизил денгиз соҳилидаги 80 квадрат километрлик майдонда шамол ёрдамида ишлаб чиқарилган электр қуввати ҳисобига фаолият юритадиган хўжалик корхоналари барпо этиш, бутун мамлакат бўйлаб эса кундузи қуёш энергияси, тунда табиий газ билан ишлайдиган электростанциялар қуриш режалаштирилмоқда.*

Халқаро мусобақа

ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИГА САЗОВОР ПОЛВОН

Термиздаги «Алпомиш» ўйингоҳи ўтган дам олиш кунлари гавжумлашиб турди. Бу ерда ўзига хос спорт байрами бўлди. Юртимизда спортнинг миллий кураш турини ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, елкаси ер искамаган полвонлар сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётган анъанавий халқаро мусобақа ўтказилди. Бобокалонимиз Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган учинчи халқаро беллашуви ҳам кўтаринки руҳда, ҳам муросасиз баҳсларга бой тарзда ўтди.

Қизиғи шундаки, мусобақанинг нуфузи ортиб бормоқда. Бу беллашувга юртимиздан ташқарида ҳам қизиқиш катта. Жумладан, Термизга МДҲ давлатлари, ҳатто Кореядан курашчилар ташриф буюриб, совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қилишди. Бу сафар 300дан ортиқ полвон мусобақада қатнашди. Улар орасида Жаҳон, Европа ва Олимпиада чемпионлари, халқаро спорт усталари борлиги диққатга сазовор. Муҳими, меҳмонлару мезбонлар мусобақанинг ташкилий ва тадбирий жиҳатларидан мамнуният ҳосил қилишди.

Одатга кўра, аввал курашчилар ўртасида саралаш баҳслари бўлди. Ташланган қуръага кўра ака-ука Давлаткелди ва Маҳтумқули Маҳмудовлар, Ўрол ва Жўра Тўраевларнинг ўзаро бел олишиб, ёқа ушлашлари мухлисларни ром этди. Шунингдек, халқаро мусобақаларда бир неча бор совринли ўринларни эгаллаган грузиялик Давид Хахашвили билан сурхондарёлик довруқли полвонлардан Эрали Махмарасуловнинг майдонга тушишлари ҳам бир неча бор ҳайқириқларга сабаб бўлди.

Зеро, томошабинлар ғолиблик учун курашнинг мутлақ биринчилик учун босқичини орзиқиб кутадилар. Боиси, мутлақлик баҳслари ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Полвонлардан бирининг кутилмаганда йўл қўйган хатоси қимматга тушиши мумкин. Ёмғирнинг шивалаб ўтиши, баҳорий ҳавонинг очилиб, камалакнинг жилва қилиши ўзига хос манзара касб этди. Ўйингоҳда сукунат ҳукм сурарди. Майдонда эса Эрали полвон билан Тоштемир полвон бош соврин илинжида чапдастлик қиларди. Бу сафар тажрибали Эрали полвоннинг қўли баланд келди. Тоштемир эса полвонларга хос мардлик билан ғолибни бағрига босиб, қутлади. Вилоят ҳокими Жўра Норалиев олқишу-ҳайқириқлар остида мусобақа ғолиби Эрали Махмарасуловга Президентимиз соврини — «Нексия» енгил машинасининг калитини тантанали равишда топширди. Вилоят ҳокими таъсис этган соврин — «Дамас» ҳамда «Камолот» жамғармасининг мукофоти — «Тико» машиналари Тоштемир Муҳаммадиев билан Муҳаммаддўст Тошевга насиб этди.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



МУСТАҚИЛЛИК ИНОЯТИ. Абдулғани ЖУМА олган сурат.

2-бет

«ЧАҚМОҚ» ЯНА ЯРАҚЛАДИ

Бундан уч йил муқаддам Бухоро туманидаги Усмон Юсупов номли жамоа хўжалиги ҳудудида «Тошкент — Коттон» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонасининг «Чақмоқ» фабрикаси қурилганда ҳамма хурсанд бўлди. 120 хотин-қиз тикувчилик қилса, ён-атрофдаги қишлоқ аҳли корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотдан баҳраманд бўлса ёмонми? Ахир, энг сўнгги замонавий технология хориждан келтирилиб, ўрнатилса маҳсулот сифати ёмон бўлармиди? Бунинг устига фойдани айтмайсизми?..

Ҳар сменада 1200 дона эркаклар кўйлаклари ишлаб чиқарилаётган корхона, очиғи кўп қийинчиликларни бошдан кечирди! Аммо корхона раҳбари Аҳмад Кароматов қараб турмади. Ниҳоят «Чақмоқ» яна ярақлади! Бугун уни «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти хом ашё билан таъминлаб турибди, буюртмалар кўп.

Бу ерда ҳозирча 6-7 хил маҳсулот — ишчи коржомалари, эркаклар камзуллари, болаларнинг уст-бошлари охирги андозалар асосида тикилмоқда. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурувчилари, навоийлик кимёгарлар ва бошқа бир қанча корхона ва ташкилотларни «Чақмоқ» ўз маҳсулоти билан таъминлаб турибди. Энг муҳими, омборда маҳсулотлар туриб қолмаяпти.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 8 апрелидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	45,73	1 Норвегия кронаси	8,63
1 Австрия шиллинги	4,94	1 Польша злотийси	19,16
1 Англия фунт стерлинги	96,04	10 Португалия эскудоси	3,48
10 Бельгия франки	16,86	1 Сингапур доллари	40,96
1 Голландия гульдени	30,92	1000 Туркия лираси	0,46
10 Греция драхмаси	2,20	1 Финляндия маркаси	11,61
1 Дания кронаси	9,13	1 Франция франки	10,33
1 БАА дирхами	16,03	1 Швеция кронаси	7,71
1 АҚШ доллари	58,89	1 Швейцария франки	40,61
1 Миср фунти	17,38	1 ЭКЮ	67,87
1 Ирландия фунти	92,45	10 Жанубий Корея вони	0,66
1 Исландия кронаси	0,84	10 Япония иенаси	4,71
10 Испания песети	4,12	1000 Россия рубли	10,26
100 Италия лираси	3,52	1 Украина гривнаси	31,63
1 Канада доллари	42,30	1000 Белорусь рубли	2,32
1 Хитой юани	7,10	1 Эстония кронаси	4,65
1 Қувайт динори	194,23	1 Латвия лати	101,53
100 Ливан фунти	3,82	1 Литва лити	14,72
1 Малайзия рингги	23,67	1 Қозоғистон тенгеси	0,79
1 Германия маркаси	34,79	1 Қирғизистон соми	3,31

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Куни кеча Кимё-технология институти устод ва талабалари билан «Ўзбекистон овози» газетаси ижодий жамоасининг учрашуви бўлиб ўтди.

Институт ректори, ЎзРФА академиги Нусрат Парпиев талабалар маънавиятини шакллантириш йўлида олиб борилаётган ишлар хусусида сўзлади.

Газета Бош муҳаррири, шоир Азим Суюн бугунги кунда ёш авлод тарбияси, ёшлар қалбида Ватан туйғусини, миллат фахрини уйғотишда ғазета олиб бораётган ишлар ҳақида гапирди.

Учрашувда шеърлар ўқилди. Мазмунли суҳбатлар бўлиб ўтди.

О. БЕКМУРОДОВА.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ПАРТИЯ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон республикаси партия ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1996 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг 1997 йилдаги устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидан ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XVII пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Бу ҳақда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг иккинчи котиби Э. Ҳошанов маъруза қилди. Шунингдек, пленумда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика ташкилотининг 1996 йилги бюджетининг бажарилиши кўриб чиқилиб, унинг 1997 йил учун бюджети тасдиқланди.

Пленум ишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳузуридаги назорат инспекцияси раиси Ш.Солиев иштирок этди.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЛАКЧИ МУЛКДОР БЎЛДИ...

...Ёшликдан бирга ўсган, синфдош дўстим бор. Гапга чечан, ишчан йигит. Бир этак фарзандларнинг отаси. Ўтган йилмиди, энг кичик фарзанди ўғил бўлганида тенгқурларни чорлаб, ҳўкиз сўйиб роса тўй берган...

Ҳарбийни тугатгандан буён ун нафар тенгқур зиёфатни канда қилмаймиз. Ҳар ойнинг сўнгги шанбаси қуни бировимизникида жўра базм. Ичкиликсиз, тонготар суҳбатлашамиз.

Исмоил қишлоғимизда жойлашган «Боғотдон» ҳиссадорлик жамиятида оддий ишчи бўлиб ишлайди. Корхонада иш тартиби уч сменали, «кучувчи». Бир гал эрталаб, бир сафар қоқ пешин, яна бир гал тунги сменада ишлайди. Улфати йигитлигидан ҳар зиёфатда унинг сменаси қачонлиги қизиқтиради. Агарда эрталабки бўлса — ўз вақтида ташриф буюради. Пешинги сменага тушган бўлса, қоқ ярим кечада бўлсада бизларни йўқлаб келади. Кейин тонг саҳаргача бемалол сирлашавер... Энг ёмони — тунги сменага тўғри келиши. Ҳали соат ун бир бўлмасдан тараддудланади, ишга бориши керак. Тенгқурлар турлича «ақл беришади»: «Бир кун ишдан қолсанг, осмон упирилиб тушмас». «Маошингдан тутишса, ризқинг камайиб қолмас...» каби.

Йўқ у интизомли йигит. Айтганида туради. Ишдан «прогул» қилмайди. Баҳона изламайди, айтадигани бир гап: «Рузғорни тебратиб турган ҳунарга хиёнат қилиб бўлмайди!»

Исмоил Абдуллаев жамоадаги 127 нафар ишчи-хизматчининг бири. Ёки йирик жамоанинг бир бўлаги. Янада ҳақиқатга яқинлашсак — корхона хусусийлаштгандан кейинги унинг эгаларидан бири.

«Боғотдон» ҳиссалорлик жамияти иқтисодий бақувват жамоа. Буни рақамлар кўрсатади. Ўтган йили режалаштирилгани 324 миллион сўмлик ўрнига 420,5 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга эришилди. Ёки йил давомида 12778 тонна гуруч, 3922 тонна ун, 3922 тонна гуруч уни ва 1251 тонна кепак ишлаб чиқарилиб, режа ошиғи билан бажарилди. Соф фойданинг ўзи 72 миллион сўм атрофида. Ҳар бир ишловчига тақсим қилинганда ўртача 4 миллион сўмлик маҳсулот тўғри келади.

Рақамлар кўпайиб кетди. Деҳқончасига фикрлайлик. Бу ерда вилоятнинг қатор жамоа хўжаликларида етиштирилаётган шоли ва буғдойдан тайёр истеъмол моллари — гуруч ва ун ишлаб чиқарилмоқда. Ишчиларнинг ойлик маошлари яхши — 4400 сўм атрофида. Бундан ташқари бепул иссиқ овқат, бепул сут маҳсулотлари ва маълум миқдорда гўшт мунтазам берилади. Фақат шугина эмас. Масаланинг муҳим томони... корхона хусусийлашганидан сўнг рўй берган ижобий ўзгаришлар.

«Корхонамизнинг устав фондининг 11,8 фоизи, яъни 26980 дона акция ишчи-хизматчиларимиз томонидан тўла харид қилинди, 18749 дона акцияни эса корхонада кўп ишлаган ишчи-хизматчиларга имтиёзли тақсимладик, — деб сўз бошлайди жамият раиси Қадамбой Собиров. — Эркин савдога чиқарилган акциянинг ҳам аксар қисмини жамоа аъзолари сотиб олишди. Ўша пайтда рости айримлар бунга бефарқ қаришди, қўлдаги тайин пулни «қандайдир қоғозлар»га сарфлашни истамаганлар бўлишди. Очиқдан очиқ айтишмаса-да, буни айримларнинг кайфиятидан сезиш мумкин эди. Чунки, илгари даврларда рўй берган айрим «айрибошлаш»ларда кўпгина одамлар ўз маблағларига қуйиб қолганликлари рост. Бир вақтлар «тилло» деб юритилган Москов заёмларининг охири нима бўлди, эсланг...»

Раис айтмоқчи, илк 1995 йил якунига кўра ҳар бир юз сўмлик акцияга олтмиш фоиздан дивиденд ҳисобланди ва акция эгаларига берилди. Бу озми-кўпми? Гуруч цехи мастери Юсуфбой Жўманиёзов 27800 сўмлик акция эгаси. Салкам ун етти минг сўм дивиденди қуртдек санаб олди. Унинг укаси, шу цех элакчиси Аҳмад Жўманиёзов эса 25400 сўмлик акциясининг улуши — ун беш минг сўмдан қўпроқ маблағ эгаси бўлди. Ёмонми?

«Тўғри илгарилари ҳам йил якунига қараб «ун учинчи маош» олардик. Аммо унчалик кўп миқдор эмас. Бунда «тенглик» асосида тақсимлаш таомилда эди. Акциянинг «туғаётган» дивиденди — ҳалол ҳақинг экан. Салмоқли».

Бу ушбу жамоа аъзоси, юқорида эслатганим — дўстим Исмоилнинг эътирофи. Янги замоннинг кичик бир мулкдорининг фикри. 1996 йил якунига кўра дивиденд салкам 81 фоизни ташкил қилди.

Жамоа аъзолари мулк эгалари эканлигини энди чуқур англашди, қанчалик самара билан, тежамкорлик билан иш тутишса якунда чўнтакларига жарақ-жарақ пул тушаверади. Бу ёқда ҳиссадорлар учун 26 та турар жой бинолари қурилмоқда. Қандолатчилик ва гуруч унидан ёг ишлаб чиқарадиган цех қурилиши тадориги кўрилаётир.

Амалдаги йилнинг илк ойида 88 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Ўтган йилнинг дастлабки ойида атиги 28 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганди. Агарда солиштирма баҳоларда олганда ҳам иқтисодий ўсиш 170 фоизни ташкил қилади.

Демак, йил якунида ҳиссадорларнинг олажак дивиденди янада юқори бўлиши табиий. Балки юз, юз эллик, ундан ҳам ошиқ бўлар.

Ислоҳот ва масъулият

Демак, соф фойда тағинда ошади, яна ўнлаб ишчи-хизматчилар учун янги турар жойлар қуриш имкони туғилади.

Демак, ўтган йили ун цехи иш бошлаб 35 киши иш билан таъминланган бўлса, келгусида тағин икки цех ишга тушиб, қишлоқ аҳлининг ўнлаб йигит-қизлари муқим иш билан таъминланадилар, мулкдор бўладилар.

Демак, зиёфатдош дўстимиз бизга тағин таниш фалсафасини такрорлайверади. Бизлар... сандиғида бирорта акция бўлмаган тенгқурларига.

Демак...

«Бўлар ҳаммаси қуруқ гап, — деб сафсата сотганди хусусийлаштирилган бир фабрика директори суҳбатлашганимизда. — Акция сотдик нима, сотмадик нима? Ҳеч нима ўзгармади. Режалар барбод, дивиденд у ёқда турсин, ишчиларга маош беришга маблағимиз йўқ...»

Тўғрисини айтайми? Иш қилмай гап сотаётган фабрика директори эмас, ўз иш ўрнида ризқ-рузини яратиб, оиласини тебратаётган элакчига ҳавасим келади.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

ҲАРБУ ЗАРБ ДАҲОСИ

Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти давомида барча жангларда ғалаба қозонишининг сабабларидан бири — унинг жанг майдонларини танлай билишида, жойнинг табиий-географик шароитига алоҳида аҳамият берганлигидадир. Бу ҳақда соҳибқирон ўз «Тузуклар»ида шундай ёзади: «Жанг майдонини танлашда қуйидаги шароитларни ҳисобга олмоқ керак:

1) Сувнинг яқинлиги;
2) Барча қўшиннинг қулай жойлашиши;
3) Барча душман қўшини аниқ кўриниб турмоғи;
4) Қуёш тикка юзга нур сочиб, аскарлар кўзини қамаштирмаслиғи;
5) Жанг майдони кенг ва текис бўлмоғи зарур.

Худди мана шундай табиий-географик омилларга эътибор қилган Амир Темур ҳамма вақт, ҳатто энг кам сонли қўшин билан ҳам кўп минг сонли душман устидан ғалаба қозона олган. У ер усти тузилишидан, яъни ер юзаси рельефидан ҳам моҳирона фойдаланиб, 300 кишилик армияси билан Ҳусайннинг 12 минг кишилик армиясини (ҳозирги Темур дарвоза яқинида) енгтани ҳам тарихий фактдир.

Ёки, Сел дарёси яқинида Илёс Хўжанинг 30 минг кишилик қўшини билан бўлган жангни олайлик: душманидан икки баравар кам қўшинга эга бўлган Амир Темурнинг жой танлаш ва қўшинни бошқариш санъатига қойил қолмай иложимиз йўқ. Тафсилоти бундай: жанг олдидан Темур ўзининг яқин баҳодирларидан учта гуруҳ тузиб, уч томонга жўнатади. Бу гуруҳлар жанг учун қулай жойни танлашлари керак эди. Тез орада Сел дарёси яқинида тошкўприк ёнидаги жой жанг учун танланади. Бу ерда дарё қирғоғи бўйлаб чўзилган тепаликларга Темур ўзининг асосий қўшинини жойлаштиради. Душман яқинлашиши билан у, тайёрлаб қўйилган ўтинлардан гулхан ёқишни буюради. Ёқилган минглаб гулханлар душман қўшини орасида саросима келтириб чиқаради ва шундан фойдаланган Темур аскарлари душман устига ёпирилиб, тор-мор қилиб ташлайдилар. Олтин Урда ва Самарқандни 2500 чақиримлик масофа ажратиб турарди. Мана шу масофадан 200 минг кишилик армияни олиб ўтиш ва жангга кириш жуда қатта ирода ва ақл-идрок талаб қилар эди!

Энди мана шу юриш тафсилотларига тўхталайлик.

Самарқанддан Тўхтамиш турган ергача бориш учун учта йўл мавжуд эди: 1. Орол ва Каспий денгизлари ўртасидаги Уст-Юрт платоси орқали; 2. Орол денгизининг шарқий томонидан Урол дарёсининг ўрта қисмлари томон тўғри йўналишда; 3. Орол денгизининг шарқий томонидан шимолга, Тоболь дарёсига томон йўналишда. Юришдан олдин мана шу йўлларнинг табиий шарт-шароитлари чуқур ўрганилиб, ҳар томонлама таҳлил қилиб чиқилди. Амир Темур чуқур мулоҳазалардан сўнг, саркардалари билан кенгашиб, учинчи йўлни танлайди. Бу йўл олдинги иккита йўлга нисбатан анча узоқ эди. Лекин, соҳибқирон чўлнинг табиатини ҳам чуқур ўрганган, билган. Дастлабки икки йўл орқали кўп минг сонли қўшинни олиб ўтиш жуда кўп қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкин эди.

Биринчи йўл танланганда Амир Темур куз ойларида ўз қўшинини Хоразмда жойлаштириши, қишловдан сўнг, баҳорда юришни давом эттириши мумкин эди. Уст-Юртда (400 чақиримдан ортиқ масофа) сув март ва апрель ойларида бирмунча кўпайиши мумкин. Шунинг учун айни мана шу пайтда уни кесиб ўтиш қулайроқ. Лекин бу даврда Эльба, Сагиз, Уйил ва Урол дарёларининг суви кўпаяр, Уст-Юртда Уйил дарёсигача бўлган масофадаги шўрхок ерлар ботиб қолиш эҳтимоли кўпайган ботқоққа айланарди. Агар ҳаракат сал кейинроқ бошланса, бутун қўшин қурғоқчилик қурбонига айланиши шубҳасиз эди.

Орол денгизининг шарқий томонидан Урол дарёсининг ўрта қисмигача бўлган иккинчи йўл билан ҳаракат қилинганда, Темур ўз қўшинларини куз ойларидан бошлаб Тошкент ва Ўтрор атрофларида жойлаштириши, юришни эса баҳорда бошлаши керак эди. Бу йўл ҳам биринчи йўлдан узоқроқ, шўрҳок, ҳам хашак кам учрайдиган қумли чўллардан иборат эди. Шу сабабларга кўра, юриш қилиш учун ниҳоятда ноқулай эди.

Учинчи йўл Тошкентдан Ўмон-Қарағай томон бориб, у ердан чапга — Тоболь дарёсига юрилар, кейин эса йўл ҳозирги Оренбург шаҳрининг шимолий қисми бўйлаб ўтар эди. Бу — олдинги йўллардан узоқроқ бўлсада, бир қанча қулайликларга эга эди:

1. Сувсиз ва ем-хашаксиз бўлган чўлни душман турган жойдан анча узоқда кесиб ўтиларди;
2. Шимолга яқинлашган сари чўлнинг табиий шароити яхшиланиб борарди;
3. Улуғтоғнинг ғарбий тарафидан Ишим дарёси ва Оренбург томондан борадиган йўлда серўт яйловлар, кўплаб кўл ва чучук сувли дарёлар учрар, шунинг учун ҳам Темур бу йўлни танласа, бирмунча қулайликларга эга бўларди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, Амир Темур ушбу юриш олдидан ҳар бир йўлнинг табиий шароитлари билан яқиндан танишиб, керакли хулосалар чиқарганки, натижада Тўхтамиш устидан ғалаба қозонишга муваффақ бўлди. Жойнинг табиий шароитини чуқур ўрганиб иш кўриш — Амир Темурнинг деярли барча юришларида кўринади.

Яна бир мисол. 1398-1399 йилларда Ҳиндистонга қилинган юришда, қўққисдан ҳужум бошлаш мақсадида қўшин Ҳиндикуш тоғ тизмасининг энг машаққатли жойидан кесиб ўтади. Амир Темур бу ерда қўшин бошлиқларидан бошқаларга отларни қолдиришни буюради. Июнь ойлари эди. Кундуз кунлари тоғдаги қор қуёш нури таъсирида эриб бўш бўлгани, отларни кўтара олмаслиги туфайли Амир Темур бу жойда тўхтаб туриб, отлар йиқилиб-ағанаб кетмасликлари учун уларнинг тагига кигиз солишни буюради. Салқин тушиб қор қотгач, қўшин яна йўлга тушади. Оқил саркарда бу юришдан ҳам зафар билан қайтди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий санъати ва маҳорати кўпгина ҳарбий арбоблар томонидан ўрганилган ва амалда қўлланилган. Масалан, рус саркардаси Суворов Италияга юриш давомида Амир Темурнинг биз юқорида эслаган ҳужумини такрорлаб, ўзидан салкам тўрт баравар кўп қўшин устидан ғалаба қозонди. 1799 йилда Суворов француз армиясини тор-мор қилишда ҳам шу тактикадан фойдаланди. Ёки Наполеон ҳам Сен-Бернар баландликларидан ўтишда Амир Темур усулидан фойдаланганди. Наполеон 1806 йилда Пруссия армиясини ва 1809 йилда Австрия қўшинларини тор-мор қилишда ҳам буюк соҳибқироннинг жанг қилиш санъатларига таянган эди.

Лапас АЛИБЕКОВ,
география фанлари доктори,
профессор.



Темурийлар тарихи давлат музейи.
Абдулғани ЖУМА олган сурат.

ТЕГИНА БЕГИМ МОҲ

Зулмдан эзилар мазлум юрт — Турон,
Оппоқ нур ёғдирди ёрлақаб Оллоҳ.
Соғинч бешигига берди бир ўғлон
Тегина Бегим Моҳ — юртга шамчироқ.

Учмакка ўрганчик полопон мисол,
Бола уйга сиғмас, олисда хаёл.
Дуолар қўшинин юборди аёл
Тегина Бегим Моҳ — эрк учун паноҳ.

Темур толгач, тошга бош қўйгани чоқ,
Она олқишидан тош бўлар юмшоқ.
Ўғил мизғиб олар, кўз юммас мутлоқ,
Тегина Бегим Моҳ — юлдузлар гувоҳ.

Силла қуриб улар тонгларни тонгта,
Бургутин тенг тутмас еру осмонга.
Она ёна - ёна қўнар армонга,
Тегина Бегим Моҳ — меҳри беадоқ.

Она-ки жонсарак, фалак деб ҳалак,
Амир Темур юттан нафасдан сергак.
Она тўрт мучаси юракдир бирдак,
Тегина Бегим Моҳ — ўчмас шамчироқ,

Яратган онани оҳдан яратган,
Ярмин қуёш, ярмин моҳдан яратган.
Кўнглин оқдан, сабрин тоғдан яратган,
Тегина Бегим Моҳ — муҳаббатда тоқ.

Йил юки бор она кечган ҳар онни,
Ерни ерда тутган, кўкда осмонни.
Оллоҳдир онага берган ўғлонни,
Тегина Бегим Моҳ — Оллоҳдин огоҳ.

Ўғлин томирига туташ томири,
Ёт ниятдан яра она минг ери.
Омон бўлса басдир ахир ботири,
Тегина Бегим Моҳ — эгни оқ, оппоқ.

Китоба ўқийди, тўқир хитоба,
Тун - кун гурунг берган ою офтоба.
Яшайди Машриқдан Мағрибга чопа,
Тегина Бегим Моҳ — ўғлига муштоқ.

Она бўлмак оғир Буюк Туронга,
Ёмон кўзлар ҳамон боққувчи шонга,
Қутлуғ бўлсин дуо соҳибқиронга,
Тегина Бегим Моҳ — абадий уйғон.

Улким, ёш-қаридан аритди ёшни,
Улким, тикка этди эгилган бошни.
Улким, осмон учун туғди қуёшни,
Тегина Бегим Моҳ — энг муборак оҳ.

Она озод этди эркни — асирни,
Шарқ - Ғарб аро қурди олий қасрни.
Миллат учун очди янги асрни,
Тегина Бегим Моҳ — энг буюк чироқ.

Тўра МИРЗО.

УЛУҒ КЎЧМА САЛТАНАТ

Соҳибқирон умрининг кўп қисми уруш сафарларида ўтганига қарамай, бунёдкорлик билан (саройлар, қасрлар, масжиду хонақоҳлар, мадрасалар, машҳур боғлар, иншоотлар, карвонсарой, канал, кўприклар) ҳам мунтазам шуғулланган.

Биз ўтов, чодирлардан ташкил топган қасрлар, саройлар, таъбир жоиз бўлса, бутун бошли кўчма шаҳар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ўтов, чодирларни хоҳлаган жойга, хоҳлаган вақтда тикиш ёки уларни йиғиб олиш мумкин. Шунингдек, улар бир вақтнинг ўзида кўп одамга бошпана бўлиши мумкин.

Соҳибқироннинг Конигилдаги машҳур тўйи икки ой давом этади. Тўй учун тикилган ўтов, чодирлар сони эса, маълумотларнинг бирида 15000, бошқа бирида эса 60000 деб қайд этилади.

Мазкур кўчма салтанат кигиз уй (ўтов) ва чодирлардан ташкил топган. Аслида ўтовлар оқ, бўз, қўнғир, қора кигизлар билан қопланиб, жундан тўқилган тасмалар билан мустаҳкамланади. Конигил тўйидаги ўтовлар маълум вақтгача тикилган, уларга байрамона тус бериш ва моддий заҳирани кўрсатиш ниятида кигизлар ўрнига қизил гилам, турли мовут, шойилар қопланган. Ўқали, олтин, кумуш иплар, саропардалар ишлатилган. Ҳаттоки, энг қимматбаҳо мўйналар билан ичи ва сирти қопланган уй ҳам бўлган. Мўйналар аслида жуда қиммат туради. Улар билан бутун бир уйни қоплаб чиқиш эса мислсиз бойлик рамзи ҳисобланган. Саройга тегишли уйлар мажмуасини бирлаштириб, қасрларни бир-биридан ажратиб турувчи, иҳота қилувчи гилам, мовут деворлар, уй ичидаги олтин устунлар, олтин устал, олтин гавҳар дарахт (қуши билан), олтин-кумуш лаганлар, юзлаб олтин қадаҳлар... булар барчаси (тўй баҳонасида) кўргазмага қўйилган мислсиз бойлик, катта хазинадир.

Бошқа туркий хақлар тарихида ҳам тўй, маърака муносабати ила жуда кўп кигиз уй (оқ уй, қора уйлар) тикиш одати бўлган. Лекин шунча кўп уйни қизил гилам, асл матолар билан қоплаш, гилам, мовутлардан қалъаларга ички, ташқи деворлар ясаш, чодирлар олдига пешайвон, зинапоялар ўрнатиш, олтин устунлар, олтин буюмларнинг ақл бовар қилмайдиган даражада кўплиги 27 мамлакатнинг хазинасини бир жойга тўплаган соҳибқирон Амир Темур имкониятигагина хосдир. Г. Вамбери шундай таърифлайди: «Аввало, подшоҳ саройи учун чодир қурилган. Чодиргоҳ очиқ соябон шаклида ясалган. Сарой чодирлари одатда марказда ўрнатилган. Кейин бошқа чодирлар тикилган. Ҳар бир оила ўз қаторини, ҳар бир вазир, туманғози ўзининг расмий унвонига тегишли чодирнинг ўрни ҳамда қаерда туришини билган. Гўзал Конигил мавзеси тўй кунларида чодирлар, байроқчалар билан яшнаб турган. Чодирларнинг аксарияти доирасимон кичик уйдан (ўтовлардан) иборат эди, арабий, иброҳимий чодирлар, эроний аъло саропардалар (ҳижобий сарой) ҳам бор эди. Бойларнинг безаклари кўчма юртлар орасида кўзга яққолроқ ташланарди... У ерда сарой аҳли, вазиру фуқаролардан ташқари, аҳолининг турли табақалари вакиллари ҳам жойлашгандилар.

Бир кўшк тасвиридан парча келтирамиз: тўрт бурчак шаклидаги чодир. Эни юз қадам, баландлиги уч найза. Кўшк шаклидаги ўрта қисми кўк рангли ва одам танаси йўғонлигида бўлиб, ўни ўн икки дона олтин устун тутиб туради. Чодир тепасида ярим доира шаклида ром бўлиб, устунларга тортилган ҳарир шоллар шамолда ҳилпираб, қабариб, ярим қавсни ташкил этарди. Кўшкнинг ҳар тарафида катта эшиклар бўлиб, ҳар бири махсус кесакага беш юздан зиёд иплар билан маҳкам боғланган. Кўшкнинг ташқари томонига қора, сариқ, оқ рангда жило берилган. У чўғдек қизил гилам ва турли рангдаги ипак гуллар билан безатилган. Бу кўшк ҳам, миноралар ҳам ниҳоятда маҳорат билан ишланган, кумуш ва олтин нақш билан зийнатланган...

Салтанат ўз моҳияти билан кўчма характерли бўлиб, оилалар, хўжаликлар билан бирга кўчиб юрган. Салтанат хизматкорлари оила аъзолари тинч шароитда кундалик хўжалик ишлари билан шуғулланиб, уруш пайтларида лашкарга ҳамнафас, ёрдамчи бўлганлар. Баъзи аёллар ҳаттоки уруш майдонига кириб эркакларга қўшилиб душман билан савалашганлар. Хуллас, кигиз уйлар кўчманчилик шароитида, қишнинг изғирин совуғида, ёзнинг жазирама иссиғида, чанг-тўзон шамолларда, ёмғир-сочинда туркийлар жонига ора бўладиган жонажон уйидир.

Хильда Хукхмен хоним соҳибқирон хонадонига тушган бир келиннинг ўз ўтови, сепи билан келганини ёзади. Дарҳақиқат, туркий халқларда қиз бола эрка тарбияланади. Қиз вақтида оғир, қора юмушларга иложи борича яқинлаштирилмайди. Келин сепсиз борса — оғир, қора юмушларга дарров киришиб кетмаса — айбга буюрилмайди. Аммо хон, султон, бойлар қизи узатилаётганда бир оқ қиммат-баҳо ўтовни меҳр билан жиҳозлаб, безатиб, кумуш эгар-тўқимли яхши от, бир қул, бир кунг (аёл қул) қўшган ясов билан узатишган.

Соҳибқирон ҳар бир зафарни, ҳар бир улуғ суюнчини бир олий иншоот қуриш билан нишонлаган эди. Самарқанд, Кеш (Шаҳрисабз) шаҳарларидаги буюк сарой, қасрлар, бозорлар, кўчалар, машҳур боғлар, сув иншоотлари — соҳибқироннинг бу борадаги бунёдкорлигидан далолатдир. Самарқанддаги Бибихоним мадрасаси, Регистон мажмуаси, Шоҳизинда, Гўри Амир, Кўк сарой, Кешдаги Оқсарой, Боғдоддаги мадраса, Шерзода сарой, Туркистондаги машҳур Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси, карвонсаройлар, йўллар, сув иншоотлари, «Боғи беҳишт», «Боғишамол», «Боғи нав»лар ҳам турли мамлакат усталарининг меҳри, нозик дид ва маҳорати ила тикланган бинолардир. Буларнинг барига соҳибқироннинг туркона бунёдкорлик салоҳияти туртки ва рағбат берди.

Анварахон ҲАМИТОВА,
филология фанлари
номзоди.

Хатлар
Хатлар
Хатлар

МУАЛЛИМНИНГ ЎҚУВЧИСИГА СОВҒАСИ

Мактаб келажакнинг пойдевори. Демак ҳаёт мактаб билан бошланади. Ёш авлод қанчалик билимни кўп эгалласа эртамиз шунча порлоқдир.

Бизнинг Абдулла Қодирий номли мактабда бунга алоҳида эътибор қилишади. Билимга чанқоқ ўқувчиларимиз кўп. Уларни моддий томондан рағбатлантириш ниятида ўтган ўқув йилини яхши баҳолар билан якунлаган ўқувчиларга мукофот берилди. Бошланғич синф муаллимлари ўз ҳисобларидан билимдон ўқувчиларга совға улашди.

Собир ЭШМАТОВ,
Шаҳрисабз туманидаги А. Қодирий
номли мактаб ўқитувчиси.

ТАЙМАСНИНГ ОМАДИ ЧОПМАДИ

...Таймас товарни харид қилмасдан бурун Хазорасп темир йўл вокзалига келди. У ердаги милиция ходимларининг ҳушёрлиги, сезгирлиги Таймасни иккилантириб қўйди. Нима қилиш керак?

У шу куни тушдан сўнг харидоргир товарни олиб, Хазорасп темир йўл вокзалидан 15-20 километрлар узоқликдаги Исмоил Эшон разъездига келди. Бирор кимса сезиб қолмаслиги учун қўлидаги товарни сал нарироқдаги ўт-ўланлар орасига яширди. Кўнгли хотиржам бўлган Таймас бамайлихотиргина Тошҳовуз-Туркманбоши йўналиши бўйича қатновчи 940-поездни кута бошлади. Соат миллари 18 га яқинлашгач, узоқдан поезд кўринди. У бир ўт-ўланлар орасидаги ноёб товарга, бир шиддат билан келаётган поездга қарарди. Поезд разъездга келиб тўхтагач, у дарҳол яшириб қўйган товарини олиб поездга югурди. Унинг бу хатти-ҳаракати 2-сон Дружба божхона маскани нозирлари Жаҳонгир Қурбонов ҳамда Фарруҳ Давлетовларда шубҳа уйғотди. Бирор дақиқа бой берилса, шубҳали шахс қўлдан чиқиб кетиши мумкинлигини яхши билган божхона ходимлари зудлик билан унинг ортидан югуришди.

Шубҳали «меҳмон»нинг сумкаси текшириб кўрилганда унинг ичидан 1 кило 600 грамм марихуана борлиги аниқланди.

Ашгабад шаҳрининг 2-ипподром кўчасида истиқомат қилувчи Таймас Милаев эндигина 18 ёшга кирган «ишбилармон». Қинғир иш Таймасга ташвиш келтирди. У Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси 3-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Одам дунёга фақат бой бўлиш учун эмас, бахтли бўлиш учун ҳам келади. Таймас ўз бахтига , ўз келажагига зомин бўлди.

Худойберган ЖАББОРОВ,
Хоразм вилояти.

ҚЎЙНИМИЗ ПУЧ ЁНҒОҚҚА ТЎЛГАН

Бизнинг кўчаларимиз — яъни, Чехов ва Н. Файзиев кўчаларига Сирдарё туман ҳокимиятидагилар чиройли, ҳамма хонадонлар учун бирхил қилиб девор қурдириб берамиз дейишди. Кўча томонга қурилган деворларни, ҳаммом, гараж, хуллас кўча тарафда нима бўлса, ҳаммасини бузишни буюришди. Ҳокимиятдан одамлар келиб, кўчаларни, девор қуриладиган жойни ўлчаб, қозиқ қоқиб кетдилар. Шу тариқа биз кўча томондаги ҳамма қурилишларимизни буздик.

Чехов кўчасидан бошлаб, айтганларидек, чиройли девор қилиб келинаётган эди. Бизнинг кўчага келганда маблағлари етмай қолибди. Кўп ўтмай ўн бешта уйнинг олдини қолдириб яна чиройли девор қура бошлашди. Наҳотки маблағлари шу ўн беш уйга етмай қолса? Пуллари йўқ экан нима учун одамларни алдайдилар? Нима учун не азобларда қурган ошхоналарни, гараж ва бошқа иморатларини буздирадилар?

Мана, бир ойдан ошди уйларимизни ҳаммаёғи очиқ. Кеча-кундуз ҳовлини қўриқлаймиз. Ойналар синган, уйдан нарсалар ўғриланган.

Бу йил «Инсон манфаатлари йили» дейилмоқда. Лекин бизнинг кўчамизда бунинг тескариси бўляпти. Биз кимга бормайлик ҳаммаси қўйнимизни «пуч ёнғоққа» тўлдириб юборишяпти. Ҳурматли редакция, бизга шу муаммоларни ечишда ёрдам берсангиз деб, шу кўчада яшовчи фуқаролар:

Б. ДАВЛАТОВА,
Ф. АЛИМОВ
ва бошқалар.
Сирдарё вилояти.

ТАЪҚИБ

...ВА У ҚАНДАЙ ЮЗ БЕРДИ?

Олтинга тенг эрур рост гап, ҳақиқат,
Шу боис ёлғонлар қуми кўмар қат-қат.
(Қадимги ҳикмат).

ТЎҚНАШУВ

Мабодо, чақмоқни кузатганмисиз? Табиатдаги қарама-қарши зарралар ҳосил қилган нур эпкинида бемисл қудрат мужассам. Ҳаётда ҳам шундай: манфаатлар ўзаро тўқнашганда, можаролар тўлқини забтига олади. Қадимги ҳикматда айтилганидек, ўртага дов учун шўрлик ҳақиқат тикилади. Ёлғоннинг умри қисқа, дейдилар. Аммо ҳақ қарор топиши ҳам осон эмас.

Рўзномамизга мурожаат қилган Худойназар Пўлатовнинг шикояти билан танишар эканмиз, кўнглимиздан шундай туйғулар кечди. Косон ёғ-экстракция очиқ ҳиссадорлик жамиятининг узоқ йиллар бенуқсон ишлаган аъзоси тўсатдан ишдан бўшатилади. У талон-торожликлар ҳақида шикоят ёзганлиги туфайли шу кўйга тушганлигини арз қилган. Гапнинг сираси, турли маҳкамалар текшириш ўтказишган. «Тафтиш» сўзининг «ўрганиш», «таҳлил қилиш» каби маънолари ҳам мавжуд. Афсуски, биз тафтишчи эмасмиз. Аммо воқеани таҳлил қилар эканмиз, мулоҳазаларимизни «тафтиш», деб атадик. Савол ҳам қалқиб чиқди: хўш, 14 йил бир корхонада ишлаган киши нима сабабдан бўшатилди?..

БИРИНЧИ ТАФТИШ

Фуқаро Худойназар Пўлатов 1948 йил туғилган. ХДП аъзоси. Ўрта махсус маълумотли қурувчи. Корхона қурилишида қатнашиб, 1982 йилдан буён ишлаб келган. Акция сотиб олган, яъни мулкда улуши бор. Таъминот бўлимида товаршунос вазифасида ишлаб турганда, ўринлар қисқарганлиги ҳақидаги қарор билан бўшатилган. Камсуқум, интизомли ходим, бирор марта танбеҳ олмаган, жамоада обрўли. Биринчи бор шикоят ёзиб, ҳақ-ҳуқуқини талаб қилмоқда...

Қосон туман судининг 1996 йил декабрида И. Муқимов раислигида ўтган мажлисида Х. Пўлатовнинг ишга тиклаш ҳақидаги даъво аризаси кўрилиб, қаноатлантирилмаслик тўғрисида қарор чиқарилди. Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 14 январдаги У. Хонкелдиев раислик қилган мажлиси чиқарган ажримда ҳам юқоридаги қарор тўла қўллаб-қувватланди. Даъвогарнинг қонуний манфаатларини асослаб берган вилоят прокуратураси прокурори М. Қиёмовнинг далил-исботлари инобатга олинмади.

— Мен ўттиз икки йил давомида судларда ишладим, суд раиси бўлдим, — дейди Пўлатовнинг адвокати, тажрибали ҳуқуқшунос Прим ака Розиқов. — Косон туман судининг ҳал қилувчи қарори ва вилоят суди ҳайъатининг ажримида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Қонунлари Кодексининг 103-моддаси талаблари ҳисобга олинмаган. Уларга кўра, ўн тўрт йил бир жойда фаол хизмат қилган, оиласида ўзидан бошқа боқувчиси бўлмаган Пўлатовнинг ишда қолиши учун имтиёзлари бор эди. Корхона раҳбарияти ҳатто ўзи қабул қилган қарордаги бошқа иш таклиф қилиш, беиш юргани учун тўлов тўлаш ҳақидаги кўрсатмаларни ҳам бажармаган. Масалани чуқур ўрганган, Пўлатов корхона раҳбари фаолиятини танқид қилгани туфайли таъқибга учраган, деган хулосага келдим.

— Бу ёлғиз ҳодиса эмас, — дейди вилоят прокуратурасининг фуқаролик ва хўжалик судлари устидан прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи Нурмурот Қутбиддинов. — Косон туман 1-пахта тозалаш корхонаси ходими Сайфулло Файзиев ҳам талон-торож фактларини очиб берганлиги учун ноқонуний ишдан бўшатилди.

Кўриниб турибдики, масалага ҳуқуқшуносларнинг турлича муносабатлари мавжуд. Бу ўринда вилоят прокуратураси қонуний йўл тутмоқда, деган фикрдамиз. Бу далиллар билан асосланган. Биз эса воқеанинг бошқа жиҳатларини ўрганиб кўрдик. Корхонада бўлганимизда, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасининг иш ўринларини қисқартириш ҳақидаги буйруғи билан танишдик. Шуни айтиш керакки, бунгача уюшма раҳбарлари Пўлатовнинг шикоятидан тўла хабардор эди. Буйруқ шикоятчидан қутилиш имкониятини яратиб берди. Корхона раҳбарияти 1996 йилнинг 19 августида 30 кишининг иш ўрнини қисқартириш ҳақида 147-сонли (бу жуда муҳим) қарор қабул қилди ва Пўлатовни ҳам киритди. Бу қарор амалга ошмади. Шундан кейин 31 октябрда 157-қарор (судлар учун асос бўлган) тайёрланиб, 10 киши ишдан бўшатилди. Шулардан 5 киши қоровул, фаррош ва бошқа ишларни бажарган, қолган 5 киши ишлаб чиқариш билан банд эди. Улардан А. Мамарасулов бошқа жойга кетиб қолди. Орадан кўп ўтмай «ўрни қисқарган» З. Исмоилов, Ш. Йўлдошев, Ғ. Бердиев яна ишга қабул қилинди. Арзгўй Пўлатов эса саргардонлигича қолаверди.

Аслида қонун талаблари қўпол равишда бузилаётган эди. Чунки фуқароларнинг мулкка эгалиги, ишлаб чиқаришни бошқарувда қатнашуви демократик ва ҳуқуқий давлатимизнинг асосий тамойилларидир. Шунинг учун ҳам ҳиссадорлик жамиятлари аъзолари ва мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилувчи бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ҳиссадорлик жамияти аъзоларидан бир гуруҳини ишдан бўшатиш масаласи ҳам бошқарув ҳайъати йиғилишида кўриб чиқилиши лозим эди. Ўз ҳукмини ўтказишга одатланган, ҳуқуқий тафаккурни эгалламаган раҳбар бошчилик қилган корхонада қонун бузилишига ажабланмаса ҳам бўлади. Ишдан бўшатиш ҳақидаги қарорни корхона раҳбари С. Умаров, ходимлар бўлими бошлиғи Т. Розиқов, ҳуқуқшунос М. Бегалиев ўзаро қабул қилишган. Ҳақиқатда, бир нечта иш ўринларини банд қилган кишилар ёлғиз эмас эди. Масалан, М. Бегалиевнинг бир ўзи соқчилар ва ўт ўчирувчилар бўлимларига бошчилик қилганлиги ҳам ҳуқуқшунос вазифасини бажарганлиги, М. Бозоров лаборатория ва ишлаб чиқариш мудири бўлган ҳолда, имтиёзли дипломли мутахассис Б. Хўжаев (ҳозир корхонага қайтарилган) кабиларнинг ишдан қувилганлигига изоҳ тополмайсиз.

Гапнинг лўндаси шуки, «садоқатли» ходимлар керак бўлган. Худойназар Пўлатовнинг ўжарлиги, айрим қинғир ишларни очаётганлиги корхона раҳбарини чўчитиб юборганди. Ўз-ўзидан мантиқий савол туғилади: можарога сабаб бўлган масала нимага тааллуқли?

ИККИНЧИ ТАФТИШ

Одатда шикоят-шикаларга унчалик ҳушимиз йўқ. Айниқса, ноҳақ бўлса. Аммо тараққиёт учун хавф туғдираётган кўзбўямачиликлар очиб ташланганда, қуллуқ қилмай илож йўқ.

— Шу корхонани қуришда қатнашдим, умримнинг кўп йиллари у билан боғлиқ, — дейди Худойназар Пўлатов изтироб чекиб. - Ёшим элликка яқинлашдики, бировга арз-дод қилган эмасман. Бироқ сабр косаси тўлганда, тоқатинг ҳам тугаркан. Эсимда, олдинги соқчилар бўлинмаси бошлиғи фожиали ҳалок бўлганда, менга туҳмат уюштиришди. Алам суяк-суякларимга ўтиб кетди. Корхонамиз раҳбари Собир Умаров ноҳақликлардан ҳимоя қилишни истамади. Майли, ҳаёт оқ-қорани ажратиб берди. Ҳақиқат шундаки, раҳбаримизга йўриғига юрмайдиган одамлар ёқмасди. 1994 йилда тайёр ёғ маҳсулотлари омбори мудири эканлигимда бошлиқнинг маҳсулотни ноқонуний чиқариш ҳақидаги буйруғини бажармадим. Натижада мени таъминот бўлимига ўтказишди. Менинг ўрнимга қўйилган Рустам Норчаев олти ой ичида жиноятга қўл уриб қамалиб кетди. Корхонада кўзбўямачиликлар авж олди, иш ҳақлари бир неча ойлаб тўланмайдиган бўлди. Шунда мен ва бир гуруҳ ишчилар 1996 йил 11 январда вилоят ҳокимига шикоят ёздик. Вилоят ҳокимлиги назорат инспекцияси текшириш ўтказиб, анча-мунча талон-торож фактларини очиб ташлади. Аммо шу билан босди-босди бўлиб кетди. Ўтган йилнинг 6 мартида вилоят прокурори К. Ғанибоевга мурожаат қилиб, шикоятнинг натижасини суриштирдим. Шу кишига раҳмат. Натижада вилоят прокурорининг ўринбосари Сайфулло Азизов шахсан Косон туман прокуратурасига келиб, тафтиш ўтказиш тўғрисида қарор чиқартирди. Мени текширишда иштирок этишга йўл қўйишмади. Натижасидан ҳам бехабар қолавердим. Ўзимни «қисқартириш» баҳонасида ишдан бўшатишди. Айтингчи, кимга ишониш мумкин? Шундоқ кўриниб турган кўзбўямачиликлар ёпилиб кетилаверадими?

Худойназар Пўлатов: **«Шикоят хатида кўрсатилган 17 та далилдан бор-йўғи 1 таси назорат инспекцияси томонидан тўлиқ текширилган, қолганлари ҳақида ноаниқ маълумотлар берилган ва тегишли органларга юборилмаган»,** деб ҳисоблайди. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки назорат инспекциясининг бош мутахассиси Алижон Хушвақтов малакали иқтисодчи сифатида масалага ҳалол ёндошган ва бир қанча фактлар бўйича ўринли хулосалар чиқарган. Шу асосда тузилган далолатнома чора кўриш учун «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасига юборилди ва айримларни саросимага солиб қўйди. Ҳазил гап эмас, уюшманинг Қашқадарё вилоятидаги иккинчи йирик корхонасида (бир неча йил бурун Қарши шаҳридаги корхонасидаги қаллобликлар фош бўлган эди) кўзбўямачиликлар очилаётган эди-да. Уюшма ўзича тафтиш ўтказиб, «ҳамма иш жойида» қабилида хулоса чиқариб кетди. Шу ўринда республика Президентининг 1996 йил 8 августдаги «Текширишни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида тафтишлар фақат ваколатли ташкилотлар зиммасига юклатилганлигини эслатмоқ жоиз. Демак, уюшманинг ўзича текширишлари ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун хизмат қилмади. Афсуски, Пўлатовнинг талаби ва вилоят прокуратураси аралашуви туфайли Молия вазирлигининг Қашқадарё вилояти бўйича назорат-тафтиш бошқармаси ходимлари — У. Бобоқулов ва У. Бердиёровлар ўтказган тафтишда ҳам уюшманинг хулосаси такрорланди, холос.

Бу пайтга келиб, айрим ҳужжатлар Қашқадарё вилоят давлат архиви Қарши филиалининг рухсати билан шошилинч йўқ қилинган эди. **Филиал раҳбари Т. Холованинг эътироф этишича, улар ҳамон собиқ СССР Министрлар Совети қошидаги архивлар бошқармаси 1989 йилда жорий этган тартиб («Перечень») бўйича иш кўришаётган экан. Мустақил давлат тузганимизга олтинчи йил кетаётганда, ҳамон собиқ империя кўрсатмалари тарихимиз ва иқтисодиётимиз учун қимматли ҳужжатларни бор-йўқ қилаётганидан ҳайратга тушмай иложингиз йўқ.** Юртимизда вужудга келган бутунлай янги иқтисодиёт ва шунга мос ҳисоб-китоб ҳужжатларни кўпроқ сақлаш ва ўрганишни тақозо этаётир. Яна бир гап. Архив ходимларининг айтишича, ёғ-экстракция корхонасидан О. Тўхтасинов деган киши шу йилнинг 11 февралида бухгалтерия ҳисоботига оид анча ҳужжатларни олиб кетибди. Уларнинг айримлари йўқ қилинмаслиги ёки ўзгартирилмаслигига кафолат борми? **Текшириш кетаётган даврда ва режали тафтишдан ўтказилмаган бухгалтерия ҳужжатларини йўқ қилишнинг ўзи жиноят эканлигини эсда тутмоқ керак!**

Тан олиш керакки, Х. Пўлатов шундай бўлишини олдиндан сезганми ёки бошқа мақсади бўлганми — хуллас, айрим ҳужжатларнинг нусхаларини сақлаб қолган экан. Жумладан, 1992 йил 21 майда Қирғизистоннинг «Қиртош Бишкек» корхонасига жўнатилган 63 тонна 600 килограмм ва «Жусан Чимкент» корхонасига 1994 йил 22 апрелда (тафтишда 1992 йил, деб кўрсатилган) жўнатилган 65 тонна истеъмол ёғига тааллуқли «юк қоғозлари»нинг бир нусхаси ҳамда буйруқлар дафтари тилхат асосида туман прокуратурасига топширилган. Катта тортишув шу маҳсулотлар хусусида. Даъвогар икки вагон ёғ нақд пулга сотилиб, ўзлаштириб кетилган, дейди. Молия тафтишчилари «архив ҳужжатларни йўқ қилган, туман «Пахта»-банк»ининг маълумотига қараганда, пул келиб тушгани ёки йўқлигини аниқлаш имкони йўқ», деган хулосада. Чиндан шундаймикан? «Юк хатлари» сақланган, манзил, вагон номери, маҳсулот миқдори, буйруқ рақами аниқ бўлса, унда нима номаълум? Дарвоқе, шу манзилларга телеграмма жўнатган вилоят прокуратураси ижобий жавоб олибди. Бизга банк бўйича малакали мутахассис (номини айтмасликни илтимос қилди) «Ҳар бир ташкилот ва корхонанинг ойлик ҳисоб варақалари банкда сақланади, улар орқали кирим-чиқимни бемалол аниқлаш мумкин», деган фикрни билдирди. Дарҳақиқат, банкда ҳеч нарса йўқолмайди. Маҳсулотнинг пули тушмаган бўлса, катта талон-торож юз берган бўлади. Наҳотки буни аниқлаш шунчалик мушкул?

Умуман, вилоят назорат инспекцияси ва молия тафтишчилари ўтказган текширишларнинг руҳи ҳам, хулосаси ҳам бутунлай бирбирига тескари. Бахтга қарши мақолада шикоятдаги маълумотлар ва текшириш юзасидан тузилган далолатномаларни тўла келтириш имкониятига эга эмасмиз. Фикримизнинг исботи учун айримларини тилга олиш билан чекланишга мажбурмиз. Вилоят назорат инспекцияси далолатномасида корхонанинг 1996 йил биринчи январга келиб 35 миллион 986 минг дебитор (оладиган), 29 миллион 791 минг сўм кредитор (тўлайдиган) қарзлари борлиги, режа бажарилмаганлиги, иш ҳақи бир неча ойлаб тўланмаганлиги кўрсатилган. Аҳвол шундай бўлатуриб, Тошкент «Рангли бўёқ» фирмасига 1994 йилда берилган 414 тонна техник соя ёғи эвазига пул ўтказмай келтирилган 52 тонна 530 килограмм бўёқни турли хусусий ташкилот ва корхоналарга бериб юборилганлиги республика Президентининг 1995 йил 12 майдаги Фармонига хилоф, деган фикр олға сурилган. Аммо молия тафтишчилари эса бунга «асос» топишга ҳаракат қилишган. Биргина маълумотга эътибор берайлиг-а. Масалан, Қарши «Хўжалик моллари» акционерлик жамияти корхонадан 1994 йилда 36 минг 322 сўм, 1995 йилда (хўжалик совуни олгани учун) 267 минг 759 сўм қарздор экан. Шунга қарамай, корхона «ҳотамтойлари» мазкур ташкилотга 2 миллион 493 минг 288 сўмлик бўёқларни «иньом» этишибди. Корхона ва жамоани ўйлаган раҳбарлар шундай қилишармиди? Бошқа қарзи бор ташкилотларга ҳам бўёқ «улашилган». Энди буёғини эшитинг. Қарши «Хўжалик моллари» ташкилоти кимошди савдоси орқали 1995 йилда «Ишонч» фирмасига сотилиб кетди. Корхонага тўланмай қолган 481 минг 783 сўмлик қарзни фирма «мерос» қилиб олди. Мана, сизга ҳақиқий аҳвол! Уни танқид қилган Пўлатов юз фоиз ҳақ эди. Бу қарзлар ҳужжатларда акс этганми, корхонага қайтадими ёки йўқми — бу масалани охирига етказиш вилоят прокуратураси зиммасида турибди.

Вилоят назорат инспекцияси корхона бош ҳисобчиси Олим Атоев юритган ҳисоб-китоблардаги бундан бошқа қонунбузарликларни ҳам топган эди. Масалан, «Чойхона» биносини қурган «Усто Сағдулло ўғли» кичик корхонаси учун тузилган сметага **420 минг сўмлик сафар харажатлари ҳам** киритилиб, тўлаб юборилган экан. Чунки корхона раҳбариятининг истаги-қонун бўлган кўринади. Олайлик, 1995 йилда режалар бажарилмаган, натижада ишчи-ходимлар мукофотдан маҳрум бўлишганди. Бироқ рационализаторлик таклифлари учун 448 минг 302 сўм пул тарқатилибди. Шундан 91202 сўм раҳбар С. Умаровга, 17962 сўм унинг хотини М. Умаровага тегибди. Ихтирочиликка дахлдор бошқа кишиларга берилган мукофот ўртача 1500 сўмдан ошмайди. Бу қандай таклифлар эканки, раҳбар мукофотнинг катта қисмига эга чиқса? Қолаверса, уларнинг берилиши ҳақида юқори ташкилот розилиги (ҳозир ҳиссадорлик жамияти ўзи ҳал қилади) олинмаган ва алоҳида қарор қабул қилинмаган. Хўш, бу ўзлаштириш ва қонунбузарлик эмасми?

Вилоят чорвачилиги учун озуқа етишмайди. Корхона тайёрлаётган емнинг сифатсизлиги, хўжаликлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаётганлигини вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати О. Пармонов қаттиқ танқид қилган эди. Ҳозир корхона 1995 йил ҳисобидан, пахта етиштирган хўжаликларга 909 тонна пахта мойи, 1847 тонна шрот ва 2361 тонна шелухани беролмай, қарздор бўлиб ўтирибди. Айрим «тадбиркорлар» ҳар килоси 34 ва 75 тийин турадиган шрот ва шелухани 6-7 сўмдан пуллаб, мўмай даромад орттиришаётганидан ҳам кўз юмолмаймиз-ку, ахир? Демак, бозорда бу маҳсулотлар ниҳоятда серталаб. Шу ўринда молия тафтишчилари келтирган битта маълумотга диққат қилайлик. 1993 ва 1995 йиллар орасида 1867,9 тонна пахта шроти омборда сақланганлиги туфайли қуриб, чиқимга чиққанмиш. Технологияда кўзда тутилган бўлса-да, бу жуда катта миқдор! Ваҳоланки, ем етишмас, мижозлар бир неча кунлаб навбат кутишарди. Корхонада бўлганимизда, айрим мижозлар «Пўлатовга раҳмат, емнинг сифати яхши бўлиб қолди, илгари бундай эмас эди», дея эътироф этишди. Ҳаёт мантиғи шундай! Ёки корхонанинг ижарага берилган ёрдамчи хўжалиги 1995 ва 1996 йил оралиғида 497 тонна 800 килограмм ем сотиб олган. Тафтишчилар далолатномасида ҳаммаси қонуний, «арзон гўшт етказиб берилган», деган хулоса мавжуд. Аммо шу фактни текширган вилоят назорат инспекцияси аниқ манзарани чизиб берган эди: бир йилда бор йўғи 12 бош қорамол ва 130 бош қўй сўйилган. Сўйилган йирик молларнинг оғирлиги 90-100 килограммни, қўйларники — 17-19 килограммни ташкил этибди. Ҳақиқий чорвадор бундай мол боққандан кўра, қўлини совуқ сувга ҳам урмайди. **Умуман, шу мол ва қўйлар бир йилда 497 тонна емнинг қанчасини ебди экан? Ҳар бошига қанчадан ем тўғри келади? 1994 йилда қанча ем олинган? Буни омбор мудирларининг ҳисоботлари билан таққослаб, миқдорини аниқлаш унчалик мушкул эмас.** Корхонанинг ҳозирги раҳбарияти бу шармандали ҳолга (ахир ем ўзларидан чиқади?!) барҳам бериш ва ёрдамчи хўжаликни қайта тузиш пайига тушди. Мана сизга ҳақиқий аҳвол ва «арзон гўшт»...

— Худойназар Пўлатовнинг аризасида келтирилган бу маълумотларни энди биз текширяпмиз, — дейди вилоят прокурори ўринбосари Сайфулло Азизов қатъият билан. — Четга ёғ жўнатилган вагонлар манзилига етганлиги ҳақида маълумот олдик. Маҳсулотнинг пули тушган-тушмаганлиги, қарзларнинг тўланиши ва бошқа ҳисоб-китоблар жиддий ўрганилади. Ким айбдор бўлса, жазо олиши тайин.

Бунга эса асослар жуда кўп. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқаркан. Ҳақиқий аҳволни яширишдан манфаатдор кишилар бор, ахир. **Кези келганда яна бир янги маълумотни айтишни лозим топдик. Яқинда ҳисоботни атайлаб чалкаштирган ва нақд пулга сотилган маҳсулот ҳақидан камомад қилган ҳисобчиларидан бири ишдан бўшатилди. Корхонадаги талон-торож «сирларини» очувчи яна бир қалит ана шу ҳисобчининг қўлида бўлган...**

Иллатнинг илдизини излаб

ҲАҚИҚАТ ЁНМАЙДИ ВА ЧЎКМАЙДИ...

Бу ҳам қадимий ҳикмат. Асрий орзуларимиз ушалди. Истиқлол туфайли юртимизда адолатни ҳеч ким топтолмайди, у албатта, рўёбга чиқади. Ишни эплолмаган Косон тумани ҳокими ва ёғ-экстракция корхонаси раҳбари бўшатилиб, янги ишбошилар тайинланганида ҳам ҳаёт сабоғини кўриб турибмиз. Ҳар ҳолда Пўлатов ва ишчиларнинг мурожаати беиз кетмади: корхонада ижобий ўзгаришлар бошланди. Вилоят ҳокимлиги яхши мутахассис, цех бошлиғи бўлиб ишлаётган Абди Саидовни корхона раҳбарлигига тавсия қилди. Ҳиссадорлик жамиятининг янги раиси ишлаб чиқаришни яхши билади ва туб ўзгаришлар тарафдори. Ҳисоб-китобларни изга солиш, малакали ходимларни яна корхонага қайтариш унинг чекига тушган экан. Жамият раиси ўз қонуний ҳуқуқидан фойдаланиб, бир неча киши, жумладан, Худойназар Пўлатовни ишга тиклади. Инсон манфаатлари йилидаги режалар ҳақида гапирар экан, Абди Саидов шундай дейди:

— Очиғи, илгари ташмачилик авж олган эди, бунга чек қўйдик. Қарзларни ундириш, корхонани ривожлантириш учун ҳали кўп ишлашимиз керак. Ўйлайманки, жамиятимиз аъзолари буни эплайдилар...

Ҳаёт талаби ҳам шундай. Юртбошимиз иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари муҳокама қилинган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида корхоналарда қарзларнинг вужудга келиши, молиявий натижаларга қатъий муносабатлар шаклланмаганлиги сабабларини батафсил таҳлил қилиб бердилар. Бу борада катта нуқсонларга йўл қўйган «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раҳбарларини юртбошимиз қаттиқ танқид қилдилар. Бунга чуқур асослар борлигини уюшманинг Косондаги корхонаси мисолида ҳам кўриб турибмиз. Биз бир-икки кишининг манфаати ҳақида эмас, катта жамоанинг орзу-ўйлари, қолаверса, қонуннинг адолатга хизмат қилиши, айрим нохуш ҳодисалар иқтисодиётга катта зарар етказаётгани ҳақида фикр юритдик. Маълумотларни осмондан олмадик, ҳужжатларда қайд этилганидан фойдаландик. Фақат ҳақиқатни мезон қилиб олиб, янгича талқин қилдик, холос. Энди янада қатъият кўрсатиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳкамаларига қолди. Масъулият не чоғлик катталигини такрор айтишга ҳожат бўлмаса керак. Адолатнинг тўла қарор топишига ишонмасликка ҳам ҳеч бир асос йўқ.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хориждан хабарлар

УЮШМА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

МОСКВА. Приморье ўлкасида ҳарбий-саноат корхоналари мажмуаси уюшмаси ташкил этилди. Маълумки, мазкур корхоналарда ишлаб чиқарилаётган ҳарбий аслаҳаларга эҳтиёж камаймоқда. Шу боис, ушбу уюшма ҳарбий-саноат корхоналари маҳсулотларини сотиш ва буюртма олишни ўз зиммасига олади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ТУЗИЛМОҚДА

МЕХИКО. Гватемаладаги қўзголончилар — Гватемала миллий инқилобий бирлиги (ГМИБ) ўз сиёсий партиясини тузишга қарор қилди. Айни пайтда ГМИБнинг муваққат раҳбарияти ўз фаолиятини бошлади. Маълумки, 36 йил давом этган қуролли можаролардан сўнг 1996 йили мамлакат ҳукумати ва ГМИБ ўртасида ўзаро ярашув битими имзоланган эди.

Оммавий ахборот воситаларининг маълум қилишича, ГМИБ қуролли кураш олиб боришдан мутлақо воз кечиб, сиёсий кураш йўлини танлаган.

ҲАРБИЙ МАШҚЛАР БОШЛАНДИ

БИШКЕК. Қирғизистонда ушбу мамлакат қуролли кучлари билан Россия чегарачилари ҳамкорлигида ҳарбий машқлар бошланди. Ушбу машғулотлар давомида Қирғизистоннинг жанубий чегарасини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш стратегияси ишлаб чиқилади. Қирғизистонда илк бор ташкил этилган бундай машқлар Тожикистон чегарасига яқин бўлган Чон-олой туманида ўтказилмоқда. Ҳарбий машғулотларни кузатувчилар орасида мамлакат Президенти Аскар Акаев ҳар бор.

ҚЎПОРУВЧИЛИККА ЎРГАНИШМОҚДА

Япония матбуоти «Нихон Сэкигун» («Япония қизил армияси») деб номланган экстремистлар гуруҳининг 15 аъзоси Колумбия ўрмонларида «Колумбия инқилобий қуролли кучлари жангчиларига турли хил қўпорувчилик содир этиш йўлларини ўргатмоқда», деган хабар тарқатди. Бу хабар Колумбия хавфсизлик хизмати ҳамда Интерпол вакиллари берган маълумотларга таянган ҳолда эълон қилинган, айни пайтда Колумбия хавфсизлик хизмати ходимлари «Нихон Сэкигун миссияси» аъзоларини қидиришга киришди.



Қадимий Эллада диёри манзаралари. Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

ОПЕРАЦИЯНИ «БУЗГАН» ҚУРБАҚА

Шунақасиям бўлади

Мексика. Торреонлик тиббий ҳамширанинг оғзи бўшлиги шифохонага катта моддий зарар келтирди. Жарроҳлар беморнинг юрагини «очишган» ҳам эдики, стол остидаги ёритиш асбобидан қурбақа сакраб чиқди. У тўғри беморнинг «очиқ» юрагига учиб тушди. Жарроҳлар операцияни тўхтатишга мажбур бўлишди.

Бу воқеани ўз кўзи билан кўрган қайсидир тиббий ҳамшира бу ҳақда кимгадир «гуллаб» қўйди. Шов-шув, миш-мишлар матбуотнинг «қулоғигача» бориб етди. Шифохона раҳбарлари бўлган воқеани тан олишга мажбур бўлишди. Уларнинг бу фактдан тонишга иложлари ҳам йўқ эди. Каттагина жарима тўлашга тўғри келди.

Докторларнинг гапига қараганда операцияни «бузган» айбдор-қурбақа ўша заҳотиёқ қўлга олинган. Сўнг операция яна давом эттирилганмиш. Операция одатдагидан ҳам муваффақиятли тугалланган ҳам экан. Беморнинг аҳволи анча яхшиланиб ҳам қолган. Фақат ҳозирча улар «қурбақа қаердан кеп қолди?» деган масалани ечиш устида бош қотиришяпти.

Бехабар қолманг

СИЙЛАГАННИ БИЛМАГАН СИГИРЛАР

Швейцария. *Флавиллик олимлар қизиқ тадқиқот ўтказишди. Кўпроқ сут олиш учун сигирларни «беланчакда тебратиш керак!» Ҳа, мутахассислар шуни тадқиқ қилишди. Баъзи фермерлар дарҳол сигирларни соғиш вақтида шундай махсус қурилма — беланчакка чиқаришди.*

— Сигирлардан кўпроқ сут соға бошладик, — деб ҳовлиқиб қолди фермер Курт Борер. — Юқорига-пастга, ўнгга-сўлга тебратиб турганда говмишлар соғиш аппаратидан унчалик безиллашмайди-да. Ихтиромас, кони фойда!

Швейцариялик фермерларга мазза бўлди! Шундай деб ўйлаяпсизми? Бир ишкал томони чиқди. Бошқа фермерлар эса «беланчак»дан қуйиб қолишди. Сигирлари «беланчакка» қарши эмаслар, лекин сут бериш ўрнига ялпайиб ётиб олишди. Умуман, сут бермай қўйишди. Олимлар бўлса швейцар сигирларни сийламоқчи бўлиб шундай ихтиро қилишувди-я.

Эҳ, сийлаганни билмаган сигирлар-а.

Саида ЙЎЛДОШЕВА
тайёрлади.

Аломат гаплар

Алоқачи акула «иш ташлади»

Австралиянинг Ньюкасле шаҳрида яшовчи зоологшунос Луи Фрибоунинг ажойиб «алоқачи» — югурдаги бор. Аслида бу «югурдак» фандаги янгилик, тадқиқотдир. Лекин олимнинг ўзи буни шунчаки «шартли рефлекс» деб қўя қолади.

Олдинига Луи акулани шунчаки эрмак учун у-бу анжомларини сувга иргитиб олиб келишни буюриб юрди. Қараса, акула бинойидек «тушунаяпти». Акулага энди у почта-газета, журналларни келтиришни ўргатди.

У сув ҳовузининг четига махсус почта қутиси ўрнатди.

Дам олишга чиққан Луини кўрган заҳоти Монти газета-журналларга «учиб» кетади. Монтининг бўйи 120 сантиметр. Алоқа қутисидаги махсус қопчага жойланган газета, журналларни ўткир тиши билан «ушлаб» Луига келтириб беради.

Монти ҳар хизмат ҳаққига битта балиқ билан ҳисоблашади. Тажриба учун хўжаси бир-икки сафар «ҳаққини» насия қилувди. Йўқ, бунақаси кетмас экан. Монти шартта почтани орқасига қайтариб кетди. Қутига олиб бориб қайтариб ташлади. Сўнг сув тубига шўнгиб, анча вақт ҳаяллаб қолди. Аразлаб иш ташлади. Ҳатто хўжасининг топшириғиниям эшитмасликка олди...

ОЛТИН ОМИЛ

Ўзбекистон Президентининг 1995 йил 19 апрелдаги Фармонига биноан ташкил топган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ана шундай кадрлар тайёрлайдиган масканлардан бири бўлиши кўзда тутилган эди. Ўша йилнинг кузида Давлат ва жамият қурилиши Академияси ўз бағрига илк тингловчиларни қабул қила бошлади. Академия раҳбарияти бу илм даргоҳининг халқимиз истиқболини белгилашдаги муҳим ўрнини англаган ҳолда уни хориждаги энг замонавий таълим масканларидан қолишмайдиган моддий-техника базаси, илмий салоҳият билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратди. Илмгоҳ турли ўринларга эга бўлган 49 аудитория, 43 якка тартибда машғулот ўтказиш хоналари, конференция ва мажлислар залларига эга. Улар мақсадли равишда компьютерлар, синхрон таржима, кино аппаратлари ва бошқа замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Давлат ва жамият қурилиши, бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари факультетларининг тингловчилари Академиядаги таҳсил давомида етук олим ва мутахассислардан давлат қурилиши ва ҳуқуқ, молия, кредит ва валюта муносабатлари, фалсафа, Ўзбекистон давлати тарихи, менежмент ва бошқа соҳалар бўйича пухта билим оладилар.

Шуниси аҳамиятлики, ўқув дастурлари жаҳондаги энг ривожланган давлатлар олий ўқув юртлари меъёрларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган. Бу мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳалари учун малакали бошқарув кадрлари тайёрлаш имкониятини беради. Тингловчилар назарий билимларини ошириш баробарида турли амалий машғулотлар орқали билимларини мустаҳкамлашга ҳам барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Академиянинг компьютер маркази таълим савиясини чуқурлаштириш, тингловчилар билимини мустаҳкамлаш ҳамда текширишда муҳим воситадир. Бу ерда 66 замонавий компьютер ўрнатилган 6 махсус синфхона ташкил этилган. Компьютер марказида электрон почта хизмати ҳам тингловчилар ихтиёрида.

Бугунги кун раҳбари кенг фикрлайдиган, жаҳонда рўй бераётган воқеалардан воқиф бўлиши мақсадга мувофиқ. Шу боис Академияда бу кўникмани ҳосил қилишга ҳам алоҳида аҳамият берилади. Бу ерда ўқув мақсадида 28 телекамера орқали жаҳоннинг қирққа яқин каналлари ахборотлари бериб борилади.

Академияга ҳар йили пойтахтимиз ва республикамизнинг турли вилоятларидан бўлажак раҳбар кадрлар тингловчиликка қабул қилинади. Улар учун 81 ўринли меҳмонхона типидаги ётоқхона барпо этилган. Шунингдек, спорт ва соғломлаштириш мажмуи, санъат галереяси, ресторан, фитобар ва тамаддихоналар, сауна ҳам улар хизматида.

Жорий ўқув йилида эса аввалига республикамиз туман ҳокимлари, сўнг эса шаҳарлар ҳокимлари бу масканда малака ошириш имкониятига эга бўлдилар. Шунингдек, 1996 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида республикамизнинг оммавий ахборот воситалари ҳамда маънавият ва маърифат марказлари раҳбарлари мутахассисларидан 53 киши Академияда ўз соҳалари бўйича назарий ва амалий билимларини бойитдилар.

Айни пайтда юзга яқин тингловчи Академиянинг 10 ойлик курсида таҳсил оляпти. Улар бу ерда олган назарий билимлар билан чегараланиб қолмасдан АҚШ, Англия, Франция, Голландия, Жанубий Корея, Покистон, Белгия ва бошқа хорижий мамлакатларда бўлиб, уларнинг бошқарув тизимлари билан танишдилар.

Шу кунларда тингловчилардан бир гуруҳи Европа мамлакатларига шу мақсадда сафарга жўнаш учун тайёрланмоқда.

— Айни пайтда Академия раҳбарияти етук раҳбар кадрлар тайёрлаш борасида Президентимиз Ислом Каримов илмгоҳ зиммасига юклаган вазифаларни адо этиш учун бор куч ва имкониятларидан фойдаланмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Президентининг Давлат ва жамият

Маънавият чироқлари

қурилиши Академиясини ташкил этиш ҳақидаги Фармони эълон қилинганига икки йил тўлади. Бу — Академияда фаолият кўрсатаётган малакали профессор ва ўқитувчилар, илмгоҳда таҳсил олган ва олаётган ёш раҳбар ходимлар учунгина эмас, балки барчамиз учун қутлуғ санадир. Зеро, муҳташам билим маскани Ўзбекистонимиз истиқболини белгилашда бетакрор ўрин тутади.

Кўпайсин АЛИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси катта муҳаррири.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 8-aprel, seshanba № 42 (22.126).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Пойтахтимиздаги 1000 дан ортиқ ишчи меҳнат қиладиган «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамияти ўзининг миллий услубда ишланган каштачилик маҳсулотлари билан машҳур. Бугунги кунда бу ерда 40 хилдан ортиқ ана шундай маҳсулотлар тайёрланади. Корхонада тикилаётган палак, сўзана, чойшаб, гулкўрпа, келинкуёвлар учун либослар, дўппи, уй безаклари ўзининг бежиримлиги, чиройли ва пухта ишланганлиги, безакларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Суратларда: корхона цехларида.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

ҚИЗИЛҚУМНИ ХИЛВАТ БИЛИБ...

Навоий вилояти божхона хизмати бошлиғи, биринчи даражали божхона хизмати маслаҳатчиси Абдураҳмон ҚУРБОНОВ билан мулоқот

— Абдураҳмон Хусаинович, адашмасам ўтган йили божхона хизмати ходимлари ғайриқонуний ишларга чек қўйиш билан бир қаторда божхона тўловлари, мол айирбошлашлар масаласида ҳам анчагина хайрли ишларни амалга оширишди. Аввало шу борада тўхталсангиз?

— Бултур 902 минг тонна у ёки бу юк турларини қатъий назоратдан ўтказдик. Йил давомида 2413 та вилоятдан чиқарилган ҳамда 3658 та вилоятга олиб келинган юкларга божхона баённомаларини расмийлаштирдик. Натижада 75,5 миллион сўмдан ортиқроқ божхона божи, 27,1 миллион сўмлик бож тўлови, 4,4 миллион сўмлик акция солиғи, 638,4 минг сўм миқдоридаги 50 фоизли тўловлар ижроси таъминланди. Биргина Қозоғистон Республикасидан келтирилган моллар учун 9,1 миллион сўм кирим ҳисобланди ва умумий киримлар миқдори 116 миллион 411 минг сўмни ташкил этди. Бу сингари ютуқ ва натижаларни таъминлашда вилоят темир йўл бекатлари, ташқи иқтисодий алоқалар фаолияти божхона постлари иши асосий омил бўлди. Айниқса, Навоий ташқи иқтисодий алоқалар фаолияти божхона пости (бошлиғи Бекпўлат Фармонов) Тинчлик темир йўл бекати божхона пости (бошлиғи Маҳмуд Кушатов), Зарафшон шаҳридаги 6- ва 8-сонли божхона постлари (бошлиқлари Ғайбулла Исматов, Исроил Неков) ходимлари ишини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Бу постларда юклар ҳаракати, ҳужжатларни расмийлаштириш, ғайриқонуний молларни ўз вақтида аниқлаб, тадбирлар белгилаш доимо диққат-эътиборда. Шунинг учун ҳам ўтган йили 229 та салбий ҳолат яъни юк бойлигига тажовуз қилиш аниқланиб, 5 миллион 232 минг сўмлик моддий бойликлар давлат фойдасига ҳал қилинди. 229 шахс эса ҳуқуқбузарликда айбланиб, маъмурий жазога тортилди ҳамда улардан 166 минг сўм жарима ундирилди.

— Халқимиз таъбири билан айтганда, бузоқнинг югургани сомонхонагача. Божхона ходимлари тили билан айтганда эса айрим қонунбузарларнинг чопгани божхонагача. Шундай экан, божхона «меҳмонлари» хусусида ҳам фикр юритсангиз?

— Юқорида қайд этганимдек, ўзлигини унутиб, ўзганикини туя қилмоқчи бўлганлар учун Қизилқум сарҳадлари хуфиёналик маскани саналади. Товламачилар кўп ҳолатда Томдибулоқ, Боймурод, Ўтимурод, Қизилўрда, Мингбулоқ чўллари оралаб қочишга, моддий бойликларни ўғрилашга уринишади. Бу сингари ҳолатларга чек қўйиш мақсадида худди шу ҳудудларда ҳаракатдаги сергак постларни техник воситалар ва етук мутахассис кадрлар билан тўлиқ таъминлаганмиз. Бу эса олибқочарлар учун чинакам қопқон ҳисобланмоқда. Келинг шу ўринда айрим мисолларни қайд этайлик.

Божхона бекати

Фарғона вилояти, Фарғона тумани Қўрғонтепа қишлоғида яшовчи Маъмуржон Усмонов пихини ёрганлардан экан. Бирор ерда ёлчитиб ишламаётган бу устаси фаранг текин пул топиш ишқига тушди. У КамАЗ русумли машина юкхонасидаги ўрик қоқиси орасида 42 жуфт эркаклар туфлисини ноқонуний равишда Россия Федерациясига олиб кетаётган пайтда қўлга тушди. Шунингдек, Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Шўркент қишлоғида яшовчи Умаржон Абдуллаев ҳам ғирромликда Маъмуржондан қолишмас экан. У чақадан — сўмни, сўмдан кўра долларни афзал билиб, кўтарасига савдо қилишга одат чиқарди. Қинғир-қийшиқ йўллар билан Германияда ишлаб чиқарилган 100 дона «Зингер» тикув машинасини қўлга киритди. Ҳамда кетмон чопиб ер ағдармасада 1444 дона ҳар қайсиси 9 килодан бўлган тунукали томат пастасини арзон-гаровга ўмарди. Умаржоннинг ҳам бу галги «ови» бароридан келмади. Қизилқумнинг текис йўлларини қўйиб, яширинча сўқмоқлар оралаб, Санкт-Петербург шаҳрига йўл олган бу учар йўловчи сафари ҳам божхона бекатида ниҳоясига етди. Бир сўз билан айтганда, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 135 та турли хилдаги қонунбузарликлар қайд этилиб, жиноятчилар тегишли жазога тортилди.

Хуллас, ходимларимиз ўз постларида сергак, хушёр экан, Қизилқум сўқмоқларини хилват билганлар шубҳасиз тумшуғидан илинишади.

Суҳбатдош:
Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

YILOYKUN

Yangiliklar, voqealar, xabarlar

MASHINANG SOZ BO`LSA

SIRDARYO. Bultur viloyatda "O`zDEUavto" qo`shma korxonasida ishlab chiqarilayotgan 450 ga yaqin avtomobil xarid qilingandi. Hozir barcha shahar va qishloqlarda bejirim mashinalar yelib turibdi. Gulistonda esa "Asakabank" viloyat bo`limi, avtomobillarga texnik xizmat ko`rsatish markazi hamda ehtiyot qismlar do`koni ochildi. Haydovchilar o`zi mingan mashinani sozlab olishga imkon yaratilganidan mamnun.

Muhammadjon MANSUROV.

RUSTAMNING YUTUG`I

PARIJ. Fransiyaning Tuluza shahrida o`tkazilgan xalqaro shaxmat musobaqasida O`zbekiston vakili ham qatnashdi. Kuchli grossmeystrlar bilan dona surgan iqtidorli shaxmatchi Rustam Qosimjonov yuqori natijaga erishdi. U mag`lubiyatsiz o`ynab, 6 g`alaba, 3 durang bilan 7,5 ochko to`plab, g`alaba qozondi.

MUKOFOTGA 3 MILLION

SURXONDARYO. Tadbirkorlar o`rtasida o`tkazilgan "Tashabbus" viloyat ko`rik-tanlovida aka-uka Komilovlar muvaffaqiyat qozonishdi. Qiziriq tumanidagi Oxunboboyev nomli jamoa xo`jaligining fermerlari bo`lgan bu aka-ukalarga 3 million so`mlik imtiyozli kredit ajratildi. Tanlovga puxta hozirlik ko`rgan bu fermer a`zolarining ko`rgazmaga qo`ygan sut-qatiq, go`sht, baliq, makkajo`xori, bug`doy, arpa, yeryong`oq, karam, qovuntarvuz kabi mahsulotlari sifati bilan e`tiborni tortdi.

Abduhakim ABDUMALIKOV.

Футбол

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг 6-тур ўйинлари бугун бўлади. Маълумки, дастлабки беш турдаёқ аксарият жамоалар ўзларини ўнглаб, кучлилар қаторидан жой оладилар. Бу йилги чемпионатда ҳам кучли олтиликни ташкил қилиб турган жамоалар мавқеларини мустаҳкамлашга зўр бермоқдалар. Бугун пешқадамлардан МҲСК «Сурхон» майдонида ўйнаса, «Нефтчи» футболчилари «Хоразм»ни қабул қилишади. «Дўстлик» жамоаси Янгиерга боради. «Бухоро» — «Трактор» жамоаси ўйинлари ҳам қизиқарли бўлиши кутилмоқда. Лекин мухлислар эртага бўладиган «Пахтакор» — «Навбаҳор» футболчиларининг учрашувига ошиқмоқдалар.

Бешинчи тур ўйинларини эса «Пахтакор» — «Сурхон» (3:0) жамоалари бошлаб берган эди. Қолган ўйинлар қуйидагича якунланди. «Навбаҳор» — «Чилонзор» — 1:1, «Дўстлик» — «Андижон» — 1:0, «Косонсой» — «Нефтчи» — 2:5, «Насаф» — «Янгиер» — 2:2, «Трактор» — МҲСК — 0:1, «Хоразм» — «Бухоро» — 2:3, «Зарафшон»— «Афросиёб» — 1:1, «Атласчи» — «Сўғдиёна» — 2:1. Ҳозир «Пахтакор» билан МҲСК 15 тадан очко тўплаб олдинда бормоқдалар. «Нефтчи» ҳисобида очколар 13 тага етди. «Дўстлик» футболчилари навбатдаги ғалабадан кейин очколарини 12 та қилиб олишди. «Навбаҳор»да 10 та очко бор. «Бухоро» 9 та очко билан олтинчи ўринни эгаллаб турибди.

Эртага биринчи лига футбол жамоалари ўртасида учинчи тур ўйинлари бўлади. Дастлабки икки турда ғалабага эришган «Темирйўлчи», «Металлург», «Бўкалик», «Истиқлол» жамоалари олтитадан очко билан пешқадамлик қилишмоқда.

Йўғ-э!

БЕҒАМЛИКНИНГ ЎЗГИНАСИ

Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги бир қатор жамоа хўжаликларида қишлоқ хўжалиги машиналари ва механизмларини сақлаш аҳволи қандай? Бу саволга жавоб топиш ниятида, туман ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан махсус текширув гуруҳи иш олиб борди. Бу гуруҳга прокуратура ва давлат техника назорати ходимлари жалб этилди.

Текширувда «Мустақиллик» хўжалигида аҳвол ачинарли эканлиги аниқланди. Жамоанинг трактор саройида ғалла комбайнлари қисмлари қаровсиз ҳолда ётганлиги аён бўлди. Хўжалик бош муҳандиси Иззатулла Орипов ишлари ҳақида баённома ёзилди.

«Ўзбекистон» жамоасидаги манзара ҳам бундан қолишмайди. Бу ерда ҳам комбайнлар, сеялкалар, плуглар пала-партиш ташлаб қўйилган. «Наврўз» жамоасида масъулиятсизликка йўл қўйилган. Тракторнинг қисмлари ўмарилиб, далада қолдириб кетилган. Шунингдек, Тўхта Ҳайитов номли фермер хўжалигида тракторлар, пахта териш машинаси ва бошқа механизмлар талон-торож қилинишига йўл қўйиб берилган.

Тумандаги бошқа жойларда ҳам қатор камчиликлар аниқланиб, айбдорлар ҳақида баённомалар ёзилди. Умуман олганда, бу соҳадаги аҳвол мақтовга лойиқ эмаслиги кўриниб турибди.

Ш. ЖЎРАЕВ,
Ю. ҲУСАНОВ,
милиция капитанлари.

ТОШКЕНТДАГИ «МАХСУС ПОЛИМЕР-ЗОВУР БУЮМЛАРИ ТАЖРИБА КОРХОНАСИ»

шу ерда ишлаб чиқариладиган қуйидаги маҳсулотларни

СОТАДИ

— Д-16 мм.дан 160 мм.гача бўлган полиэтилендан ишланган қувурларни;

— Канализация қувурлари ва уларни бириктирувчи қисмларни;

— Д-110 мм. ва Д-160 мм.ли полиэтилендан ишланган фильтрли, ҳимоя воситаси билан қопланган зовур қувурларини.

Шунингдек, қалинлиги 30-100 микрон, эни 700-1400 мм. бўлган полиэтилен плёнкаларни Сиз истаганча пул ўтказиш йўли билан харид қилишингиз мумкин.

Бундан ташқари, корхона шу маҳсулотларга 1997 йил учун буюртмалар қабул қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Қарҳовен кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: 90-18-35, 90-74-60, 92-69-39.

2-ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

1997-1998 ўқув йили учун
0307 — «Бошланғич синф ўқитувчиси»
0308 — «Мактабгача тарбия муассасаси тарбиячиси»
мутахассисликлари бўйича ўқишга қабул эълон қилади ва шу муносабат билан 16 апрель соат 12.00 да ўтказиладиган «Очиқ эшик» кунига 9- ва 11-синф маълумоти бўлган ўқувчиларни

ТАКЛИФ ЭТАДИ

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси таҳририят ҳайдовчиси Зоир Қорабоевга отаси **Худойберди КОРАБОЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0211

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА